
КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИДА ИШ ҚИЗҒИН

Сўнгги пайтларда маҳалаларда аҳолини бизнесга жалб қилиш ва ижтимоий ҳимоя қилишда хужажларнинг янги “ўсиш нукталари”ни аниқлаш ҳамда драйвер соҳаларда оилавий тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга оширишга эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, “Тўда” МФЙ ҳудудидаги собиқ ММТП ва ҳудудидаги ташкил этилган саноат корхоналари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда кўплаб фуқаролар иш билан таъминланган.

Бугун ушбу маҳалланинг қайси кўчасига кирманг, ҳунар ўрганаётган, оиласига даромад олиб келаётган ёшларни кўрасиз. Бугун ушбу маҳалланинг барча фуқароси меҳнат билан банд.

Шунингдек, “Навбаҳор” МФЙ ҳудудидаги кичик саноат зонасида ҳам тадбиркор, кулоллар ўз фаолиятларини давом эттиришмоқда.

2024-07-02 08:48:17